

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17388623>

Мардонова Гулсорахон Пазиловна

Андижон давлат университети

Ўзбекистон тарихи кафедраси тадқиқотчиси

Уруш халқлар учун-кўз ёш ва қон, бу-бевалар ва бошпанасизлар, бу тўзитилган кулба, ўлдирилган ёшлик ва таҳқирланган кексалиқдир”, деган эди улуғлардан бири. Дарҳақиқат, уруш манзараси фожиа, ичига тушсанг эса даҳшат. Тадқиқотларга кўра, бугунга қадар 15 мингдан ортиқ катта-кичик уруш бўлиб ўтган. 5000 йил ичида фақат 292 йилгина инсоният тинч яшаган экан. Шу боис, айнан урушга “Инсон ва табиат устидан қилинган улкан ҳақоратлардан бири” деб таъриф берилган.

Калит сўзлар

ўзбеклар, уруш, дўстга садоқат, яқинларга ғамхўрлик, немис-фашистлар, эвакуация, госпитал, етим болалар, фронт, аскарлар, ғалаба.

Ўзбек халқи азалдан ўзининг эзгу фазилатлари билан машҳур бўлган халқдир. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистонликлар дўстга садоқат, меҳнатсеварлик, қатъиятлилиқ, яқинларига муҳаббат ва ғамхўрлик каби юксак инсоний фазилатларини яна бир бор намоён қилдилар. Инсоният бошига энг катта кулфат олиб келган бу уруш миллионлаб бегуноҳларнинг ўлимига, мислсиз йўқотиш ва талафотларга сабаб бўлди. Олти йил давом этган бу қонли жангу жадалда ўша пайтда дунёдаги 73 давлатдан 62 таси иштирок этди. Яқин вақтларга қадар 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда қатнашган, деб ҳисоблар эдик. Аммо урушда қатнашган ўзбекистонликларнинг тарихини тиклаш, жанговар йўлини аниқлаш, бедарак йўқолган уруш қатнашчиларини илмий асосда аниқлаш ва хотирасини абадийлаштириш юзасидан қилинган кенг қўламли ислохотлар, жонкуяр олим ва мутахассисларимизнинг илмий изланишлар натижасида янгидан янги маълумотлар аниқланмоқдаки, 1941 йили Ўзбекистон аҳолиси 6 миллион 800 мингни ташкил этган, уларнинг қарийб 2 миллион нафари фронтга сафарбар этилиб, 540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158 минг нафари бедарак йўқолган, 870 мингдан ортиғи турли жароҳатлар олган, 50 мингдан

ортиғи концлагерларда мислсиз қийноқ ва азоблар туфайли ҳалок бўлган, 60 мингдан кўпроғи эса ногирон бўлиб қайтган. Бу рақамлар ортида машъум тақдирлар, буюк аجدодларимизнинг муқаддас хотираси мужассамдир. Ўрганишлар натижасида яна шундай фактлар аниқ бўлдики, ўша даврда “қулоқ” сифатида бошқа ўлкаларга сургун қилинган 59 мингдан ортиқ ватандошимиз ҳам армияга сафарбар этилган. 214 мингга яқин ўзбек аскар ва офицерларимиз жанговар орден ва медаллар билан, 301 ҳамюртимиз қаҳрамон унвони билан тақдирланганлар.

Урушнинг дастлабки кунларидан фронт ҳудудларидан минглаб аҳоли, саноат корхоналари, ўқув юртлари, илмий муассасалар ва бошқа моддий бойликларни мамлакат ичкарасига кўчириш бошланган. 1941-1943 йиллар орасида кўчирилган илмий-тадқиқот муассасалари сони 40 дан ошди. Улардан 25 таси Тошкент шаҳрида, 8 таси Самарқандда, 5 таси Фарғона вилоятида, қолганлари бошқа вилоятларда жойлаштирилди. Шунингдек, 53 та олий таълим муассасаси ва 300 га яқин ижодий ташкилот ҳам шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз уруш йилларида фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айлангани, республикамиздан жанг майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берилгани ўша суронли даврнинг яна бир унутилмас саҳифасини ташкил этади.

Юртимизга 170 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари кўчирилган, 280 та янги корхона бунёд қилиниб, аксарияти бир ойда, узоғи билан 45 кунда маҳсулот бера бошлаган. Ишчи ва хизматчиларга ишдан ташқари вақтларда мажбурий меҳнат қилиш, катта ёшдагилар учун ҳафтада 6 кунлик, кунига 11 соатлик иш режими жорий этилиб, таътиллار бекор қилинган. Станокларда аёллар, қариялар ва болалар ишлашарди. Очиқ ва қийин меҳнат шароитларига қарамасдан улар фронтга барча керакли нарсаларни етказиб беришди. 1941 йилнинг ўзидаёқ Тошкентда 137 та корхона мавжуд эди, уларнинг 64 тасида ҳарбий хом ашёлар ишлаб чиқарилиб фронтга етказиб бериш йўлга қўйилган эди. Ўзбекистондан фронтга 2100 самолёт, 17342 авиамоторлар, 17100 миномёт, 22 000 000 миналар, 560 000 снаряд, 2 000 000 дан ортиқ авиабомбалар, 1 000 000 га яқин граната, 330 000 парашют, 5 та зирхланган поезд, 18 та ҳарбий-санитар поездлари ва ҳ.к. жўнатилган.

Ўзбекистон 1 500 000 дан ортиқ эвакуация қилинганларни очлик ва ўлимдан сақлаб қолган. 1941 йилнинг август ойидан бошлаб Ўзбекистонга эвакуация қилинган аҳолиларнинг эшелонлари кела бошлаган. Уларни кутиб олиш учун Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг область, шаҳар

ва район ижрочи комитетларида махсус комиссиялар тузилган. Бундан ташқари эвакуация қилинган аҳолини қабул қилиш пунктлари тузилиб, аҳоли тиббий кўриклардан шу ерни ўзида ўтказилган. Эвакуация қилинганлардан қарийб 300 000 ота-онасидан айрилган, ҳар-қил миллатга мансуб бўлган Ленинград, Белорусия, Польша ва Украина остоналаридаги жанг майдонларидан олиб чиқилган болалар эди. Юртдошларимиз бу фуқароларга турар жой бериб ўзлари сиқилиб яшади, кўчиб келганларни тўйдириш учун охириги бўлак нонини, кийинтириш учун пойабзал ва кийим-бошини берди. Худуди унча катта бўлмаган ва уруш йилларида аҳолиси 653 минг кишини ташкил этган Андижон вилоятининг ўзи эвакуация қилинган 100 мингга яқин аҳолини қабул қилган. 1941 йил 25 ноябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистонга 500 мингга яқин одам эвакуация қилинган.

Маълумки, уруш йиллари бир қатор халқларга нисбатан ноҳақликлар бўлган ва Ўрта Осиёга депорт қилинган халқларнинг анчагина қисми жойлаштирилган. Жумладан, Ўзбекистонга 150 минг қрим татарлар, 175 минг чеченлар, 157 минг ингушлар, 4,5 минг балкорлар, армян ва греклар кўчирилган. Кейинроқ эса Грузиядан масхети-турклар депорт қилинган. Маҳаллий аҳоли ва ҳокимият Ўзбекистонга мажбурлаб кўчирилганларга жуда катта ғамхўрликлар кўрсатишган, уларни яшаш жойлари ва иш билан таъминлаганлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон халқи юз минглаб ярадорларга ғамхўрлик қилди. Ўша йиллари юртимиз пойтахти “госпитал” деган ном олди. Мамлакатимизда 113 дан ортиқ ҳарбий госпиталлар жойлашган эди. Эвакуация қилинган госпиталларда ишлаш учун юқори малакали тиббиёт ходимлари жалб қилинган. Тошкент тиббиёт институтининг профессор-ўқитувчилари ярадорларни даволашнинг янги усуллари кўллашар эди. Бунда маҳаллий тиббиёт ходимларига эвакуация қилинган врачлар мисли кўрилмаган даражада ёрдам беришган. Дарҳақиқат, ўша йилларда 370 дан ортиқ таниқли олим Тошкентга кўчиб келди. Уларнинг орасида собик иттифок Фанлар академияси академиклари ва мухбир аъзолари, фан докторлари, профессорлар бор эди. Самарқандга Киров номидаги ҳарбий тиббиёт Академияси машҳур олим ва академик Н.Н.Аничков, В.П. Осипов, В.И.Волчек ва бошқалар билан қўшиб эвакуация қилинган. Тошкентга Одесса кўз касалликлари институти кўчириб келинган (1941 йили декабрь). Институт раҳбари машҳур хирург Владимир Петрович Филатов ўз шогирдлари билан инсон танасидаги осколаларни магнит ёрдамида чиқариб олиш усулини ўйлаб топганлар. В.П.Филатов ўз раҳбарлигида ихтисослаштирилган госпиталга асос солган. Ҳар бир ихтисослаштирилган

госпитал ярадорларни даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиши билан Республикадаги бошқа шифохоналар учун илмий-тадқиқот марказига айланган эди. Жарроҳ ва нейрожарроҳ олимлар томонидан ҳам бир қатор янгиликлар қилинди, уларнинг саъйи-ҳаракатлари билан яраланган аскарлар тез фурсатлар ичида оёққа тура бошладилар. Республика илмий тадқиқот институти қонни узок вақт сақлашнинг янги методларини ишлаб чиқардилар. Тошкентда 45 та қон қуйиш пунктлари очилди. Эвакогоспиталларга 13000 л дан ортиқ донор қонлари топширилди. Ярадорларга ёрдам кўрсатиш мақсадида бутун Республика бўйича 18482 ватанпарварлар донорлик қилдилар.

Уруш йиллари гигиенага айниқса жуда катта эътибор берилган. Шу боис юқумли касалликлар кенг тарқалиши кузатилмаган, балки улар зудлик билан зарарсизлантирилган. Масалан, уруш йилларида безгак билан касалланишнинг урушдан олдинги йилларга қараганда сезиларли даражада камайиши бунга яққол далил бўла олади. Бу даҳшатли уруш 50 000 000 инсонни ёстиғини қуритди, 90 000 000 дан ортиғи ярадор бўлди.

Инсон ўтмиш хотиралари билан тирик ва улуғвордир. Аجدодлар хотираси, уларнинг ҳаётга муносабати - бу катта ҳаёт мактабидир. Ўтмиш хотиралари бу ёшлар тарбиясида бебаҳо восита бўлиб, уларнинг онгига Ватан туйғусини, ўз халқидан ва аجدод-авлодларидан ғурурланиш туйғуларини сингдиради. Инсоният тарихида энг қонли урушнинг тугаганига саксон йилдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан у етказган талофатлар хали ҳам унутилгани йўқ. Немис-фашистларга қарши курашда Ўзбекистон аҳолиси ҳиссаси жуда катта. Халқимизнинг фидоий ўғил-қизлари фронтда ҳам, фронт ортида ҳам бирдек жасорат кўрсатдилар. Ўзбекистон халқининг фашизм устидан ғалабага қўшган ҳиссасини объектив ўрганиш ва адолатли баҳолаш тарихий ҳақиқатни ёш авлод онгига етказиш шубҳасиз, ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашда жуда муҳимдир.

Иккинчи жаҳон уруши бизнинг халқимизни иродасини ва сабр-тоқатини синовдан ўтказди, аммо уни синдира олмади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 апрелдаги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, халқимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган салмоқли ҳиссаси унутилмас ҳақиқатдир. 9-май Хотира ва қадрлаш куни, бизга урушнинг аччиқ оқибатларини эслатади, тинч ва хотиржам ҳаётнинг қадрига етишга чақиради, доим хушёр бўлишга чорлайди, бизни тарихий хотирага садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Ота-боболаримизнинг жасорати ва қаҳрамонликларини, халқига, Ватанига ва ҳарбий қасамёдига содиқлигини,

Европа халқларини фашист деган вабодан озод қилганларини доим ёдда сақлаш, нафакат бизнинг, балки барча мусаффо осмон остида яшаётган халқларнинг муқаддас бурчидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Вклад трудящихся Узбекистана в Победу в Великой Отечественной войне. – Ташкент: Изд-во «ФАН» Узбекской ССР, 1975.
2. Гулям Г. Избранное. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1953
3. Голованов А.А., Саидов И.М. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. – Самарканд, 2006.
4. Чубарьян А.А. XX век. Взгляд историка. – М.; Наука, 2009.
5. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Под. ред. Ш.Каримова. –Ташкент, 1993. –С.227.
6. См. Пулатов И. Буюк ғалабада Ўзбекистон ҳиссаси. –Т.: Ўзбекистон, 1974 –С. 181.
7. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Под. ред. Ш.Каримова. –Ташкент, 1993. –С.225.